

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2024 йил ноябрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Ғ.Негматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримкулов, судланувчи А.Жабборов ва унинг химоячиси-адвокат С.Нуруллаев ҳамда жабрланувчи Ш.Бахриллаевнинг иштирокида,

Жабборов Абдухаким Раззоқович (Jabborov Abduxakim Razzoqovich), 1969 йил 12 март куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 6 (олти) нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Самарқанд вилояти Ургут тумани “Мирзабоғлон” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 22.10.2024 йилда олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1416-2401/442-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қўйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Жабборов Абдухаким Раззоқович - 2024 йил 11 сентябрь куни соат тахминан 16:30ларда бошқарувида бўлган “Эпика” русумли, 01 U 105 РА давлат белгили автомашинани Ургут тумани Навоий Шох кўчасида бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган амалдаги “Йўл ҳаракат қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик қоидасида яъни, “ҳаракатланиш жараёнида ҳайдовчилар пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” кераклиги, ушбу қоиданинг 77-бандида, яъни “ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиш мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш” кераклиги, ушбу қоиданинг 109-бандида яъни, “тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмининг шу йўналишини кесиб ўтаётган пиёдаларни ўтказиб юбориши учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи” кераклиги, ушбу қоиданинг 110-бандида яъни, “агарда пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатни секинлаштира ёки тўхтаса, кўшни тасмаларда ҳаракатлаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёдалар йўқлигига ишонч хосил қилгандан сўнг ҳаракатланишни давом эттириши” кераклиги, ушбу қоиданинг 111-бандида яъни “тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светафорнинг рухсат



этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам пиёдаларга қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон бериши керак” деб кўрсатиб ўтилган бўлсада, ушбу қоидаларни қўпол равишда бузиб, транспорт воситасини бошқариши натижасида, ушбу йўлни пиёдалар йўлагидан кесиб ўтаётган пиёда Бахриллаев Шохрухни уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилган. Натижада, ушбу фуқаро Бахриллаев Шохрух “Ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига кирувчи тан жароҳати олиб туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Ургут туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2024 йил 11 октябрь кунидаги 492-сонли хулосасида, фуқаро Ш.Бахруллаевнинг танасида яъни, “чап тирсак соҳасида, чап елка соҳасида шилинмалар, чап болдир соҳасида қонталаш, 3-бел умуртқасининг 2-даражали асоратсиз синиши” каби тан жароҳатлари мавжудлиги, тан жароҳатлари соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп, бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатда бузилишига олиб келиши ва ушбу тан жароҳатлари “Ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига кириши кўрсатиб ўтилган.

Судга судланувчи А.Жабборов ва жабрланувчи Ш.Бахриллаевлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи А.Жабборов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Бахриллаев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, А.Жабборовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Ш.Бахриллаев ҳамда судланувчи А.Жабборовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримкулов, судланувчи А.Жабборовнинг ҳимоячиси адвокат С.Нуруллаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Жабборовга нисбатан юритилган



жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Бахриллаев Шохрух Улмасбек ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг унга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, шунингдек жабрланувчи Ш.Бахриллаевга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Судланувчи Жабборов Абдуҳаким Раззоқович (Jabborov Abduxakim Razzoqovich)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Бахриллаев Шохрух Улмасбек ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Жабрланувчи Ш.Бахриллаевга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Жабборов Абдуҳаким Раззоқовичга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки прокурор протест билдириши, белгиланган муддат ўтгач эса кассация тартибида хусусий шикоят ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ғ.Негматов

